

ШАРҚ ФАЛСАФАСИДА ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-21-523-527>

Ўразалиева Гулшада Бекпўлатовна,
социология фанлари номзоди, доцент.
Ўзбекистон Миллий университети докторанти.
E-mail: g.urozaliyeva@yandex.ru
Телефон: +998 93 570 46 82

***Аннотация.** Ушбу мақола оила ва никоҳ муамоларининг айрим жиҳатларининг шарқ фалсафаси мисолида талқин қилинишини тадқиқ қилинишига бағишланган. Ижтимоий - фалсафий фикрлар тарихи ҳақидаги мавжуд адабиётларни ўрганиш асосида, оила, аёл ва никоҳ масалаларига тарихий нуқтаи - назардан ёндошилади. Инсоният жамияти тараққиётининг турли тарихий даврларида оила ва никоҳ муносабатлари ижтимоий муносабатларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, инсоният цивилизацияси ривожлана борган сари тобора такомиллашиб борганлиги таҳлил этилади.*

***Калит сўзлар:** оила, никоҳ, аёл, эркак, оилавий муносабатлар, инсоният жамияти, ижтимоий муносабатлар.*

***Abstract.** This article is devoted to the study of the interpretation of some aspects of family and marriage problems in Eastern philosophy. Based on the study of existing literature on the history of socio-philosophical thoughts, the issues of family, women and marriage are approached from a historical point of view. It is analyzed that in different historical periods of the development of human society, family and marriage relations are an important component of social relations, and they have improved more and more as human civilization develops.*

***Key words:** family, marriage, woman, man, family relations, human society, social relations.*

Жамият тарихининг турли даврларида оила ва никоҳ масалалари ўз даврининг илғор мутафаккирлари ва олимлари диққат марказида бўлиб келган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто»да ҳам оила ва никоҳ одоблари, оилавий муносабатлар, ота-оналар ва фарзандлар ўратсидаги ўзаро алоқалар, уларнинг бурч ва вазифалари тўғрисида қимматли фикрлар билирилган. Авестода келтирилган энг қимматли маълумотлардан бири қариндошлар ўртасидаги ўзаро оила қуришининг қатъиян ман этилганлиги тўғрисидаги маълумотдир. Зардуштийликда бир эркакка бир никоҳ раво бўлган.

[Исхақов 2001: 1] Зеро, бу маълумотларнинг моҳияти асрлардан бери ҳам ўз долзарблигини йўқотмай келмоқда.

«Вендидод» Зардуштнинг турли ҳаётий масалаларига оид бўлиб, унда Ахурамизда - ҳақиқат ва Олий ҳакамга мурожаати ва олган жавоблари асосий ўрин тутди. Унда шахсий, оилавий-маиший ҳаётдан тартиб ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий соҳаларгача ҳар бир одам феъл-атвори, ҳатти-ҳаракати, бутун фаолияти қандай бўлиши кераклиги уқтирилади.[Икромов 2021:2]

Шарқ мамлакатларида қадимдан никоҳнинг бекор бўлиши кам учрайди. Чунки оила институтининг пойдевори мустаҳкам бўлишига аждодларимиз кайғурганлар. Етти пуштини суриштириш, совчилик институти орқали амалга оширилган. Никоҳнинг бекор бўлиш шакллари ва сабабларида ҳар бир даврда ўзига хос асослар бўлган дейиш мумкин

Никоҳнинг барбод бўлишидаги ташаббус, асосан, эркак кишининг қўлида бўлган. Масалан, қадимги Ҳиндистонда никоҳ оддийгина фуқаролар иттифоқи эмас, илоҳий иттифоқ сифатида қаралиб, никоҳ ришталарининг бузилиши ниҳоятда аянчли ҳолат сифатида баҳоланган. Бу ерда ҳам никоҳ фақат эр ташаббуси орқалигина рўй бериши мумкин бўлган. Эрамизгача бўлган 2000 йилликдан қолган манбаларда кўрсатилишича, «8 йил мобайнида бола туғмаган аёл бошқасига алмаштирилиши мумкин, ўлик бола туққан - 10-йил, фақат қиз болаларни туғадигани - 11-йил, беадаб, эрнинг молини беҳуда сарф қилувчи аёл эса шу заҳоти эр томонидан талоқ қилиниши мумкин» бўлган.

Кейинчалик ҳиндлар ҳам никоҳ ва ажралиш ҳолатларини қайта кўриб чиқдилар: а) Агар аёл эрининг барча бойликларини исроф қилган, ноўрин ишлатган бўлса, аборт йўли билан фарзандини йўқотган бўлса ва эрининг ҳаётига суиқасд қилган бўлса никоҳ бекор қилинади. б) Аёл эса фақат икки ҳолатда эридан никоҳни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади: эри бепушт бўлса ва содир этган гуноҳи учун қавмдан чиқиб кетган бўлса.

Никоҳни бекор қилиш шакллари ҳам, унинг мотивлари ҳам турли даврларда турли хил кўринишда бўлган. Кўпгина ҳалқларда никоҳ бузилишига сабаб сифатида эр-хотин хиёнати қайд этилади. Шуниси характерлики, эркакларнинг хиёнатидан кўра аёлнинг хиёнати барча этнос ва маданиятларда қаттиқ қораланади, чунки хиёнаткор аёл бошқа эркакдан ҳомиладор бўлиб қолиши ва никоҳсиз боланинг туғилишига сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Натижада туғилажак бола ижтимоий ҳаётда, оилада ўз ўрнига эга бўлмайди. Зеро, унга одатий ҳолда туғилган болаларга бўлгани каби муносабат бўлмайди.[Ақромова 2019: 3]

Ислом дини ва унинг асосий манбалари ҳисобланган Қуръони Карим ва ҳадисларда бўлажак оиланинг вужудга келишига алоҳида эътибор берилган. Қуръони Каримнинг «Бақара», «Нисо» сураларида оила, оилавий муносабатлар ва оиладаги таълим ва тарбия масалалари ҳақида маълумотлар берилади.

Дунёда ҳамма нарса жуфт-жуфт яратилган: ой ва куёш, кеча ва кундуз, Ер ва осмон, эркак ва аёл, мусбат ва манфий бўлиб, аслида улар моҳиятан бири бирига боғланган ва эҳтиёжлидир. Мавжудотлар ҳаётда мана шу жуфтлик билангина барқарор бўладилар. Куръони каримда: «Сизлар эслатма олишларингиз учун Биз ҳар бир нарсани жуфт жуфт қилиб яратдик», дейилади. [4]

Ислом динида эркак ва аёл оила қуришга бирдек тарғиб қилинган. Оила қурмасдан, таркидунёчилик йўлини тутиш қораланиб, бунинг акси бўлган никоҳ ибодат даражасига кўтарилган.

Аллоҳ инсонни, нафсий рағбат билан яратган. Айни пайтда ушбу рағбатни ҳалол, пок йўл билан қондиришни буюриб, никоҳни жорий қилган. Ислом таълимотига кўра, оила исломий одоб билан зийнатланиш ва пок йўл билан инсоният наслини давом эттириш мақсадида қурилади. Шунинг учун ислом дини оилани никоҳ асосида қуришга алоҳида аҳамият беради ва никоҳни инсоний алоқаларнинг энг муҳими сифатида юксак қадрлайди. [Жабборов 2001:5]

Ислом оламида биринчи дарсхоналар, мадраса ва масжидлар очилган. Уни диний ва дунёвий билимлар билан бойитишга муваффақ бўлдилар. Бу диний ва бошқа билимларни таҳсил этишда аёл-эркак ажратилмаган. Чунки Исломда илм олишда аёл-эркак тенгдир. “Илм талаб этмоқ ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздир”, деган ҳадис ҳам фикримизнинг тўғрилигини ифодалайди. [Ўразалиева 2010: 6]

Ислом таълимотича, шубҳасиз, шариатнинг уч амал таянчи бор. Булар: илм, амал, ихлос. Тўрт халифа замонлари ўтиб кетгач, Ислом давлатларида сохта дин пешволари тарафидан аёлларнинг илм олишини тақиқлайдиган уйдирма ҳадислар ҳам юзага келди.

Ислом динининг таъкидланган ижобий жиҳатлари билан бирга, айрим камситувчи ҳолатлари ҳам мавжуд: аёллар асрлар давомида оила доираси билангина чекландилар, эрта никоҳлилик, кўпхотинлик, оилада аёлларни доимий равишда тазйиқ остида яшаши кабилар шулар жумласига киради.

Шарқ мамлактларида яшаб ижод этган, диний ва дунёвий илм тараққиётига алоҳида ҳисса қўшган мутафаккирлар Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний, Фитрат ва бошқаларнинг асарларида оила ва никоҳ муносабатлари, фарзанд ва ота оналар, қон қардошлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, эр-хотиннинг бурч ва вазифалари, оилавий турмуш тарзи ва шу кабилар ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Таниқли Шарқ мутафаккирларидан бири бўлган Абу Али Ибн Сино «Китоб уш-шифо» асаарида оиланинг инқирозга юз тутишига олиб келадиган

асосий сабаб ва омиллар деб қуйидагиларни кўрсатади: а) Фарзандсизлик, б) Хиёнат, в) Одобсизлик, г) Табиатларини мос келмаслиги.[Ибн Сино 1986:7]

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида маърифатпарварлар олимлар ва жадидчилари Ахмад Дониш, Фуркат, Муқимий, Завқий, Аваз Ўтар, Абдулла Авлоний, Фитрат каби илғор фикрловчи олимлар томонидан ҳам ахлоқ-одоб, оила этикаси ва оилавий муносабатларга оид қатор асарлар яратилди. Жадидчилар ҳаракати намоёндалари аёлларни таълим олиш соҳаларига тинмай жалб эта бошлаганлар. Зеро оила, оиланинг моҳияти, унада боланинг тарбияси асосан аёллар зиммасида эканлиги ҳаммага аён бўлган эди. Шунингдек, маърифатпарварлар ўз асарларида оила, оиладаги шахслараро муносабатлар, ота-оналар ва фарзандлар бурчи, оиладаги тарбиянинг бола онгига таъсири, эр-хотин масъулияти, никоҳ масалаларига жиддий эътибор қаратганлар.

Таниқли маърифатпарвар жадидчи олим Фитрат ўзининг «Оила ёки оилани бошқариш тартиблари» асарида оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ота-она ва фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида гапиради. Унинг фикрича, оила муқаддас даргоҳ бўлиб, ёш авлодга тўғри тарбия бермасдан туриб жамиятни ривожлантириш мумкин эмас: «Қаерда оила кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунчалик кучли ва муаззам бўлади». «Болаларни ўзига ишонган, кучли, ҳар томонлама комил қилиб тарбиялаш учун ўз кадр-қимматини тарбия қилмоқликни ўргатмоқ керак. Болаларни шундай тарбия этиш лозимки, бахтга бўлган интилишлари ҳеч қачон хазон бўлмасин. «Ушбу рисоланинг асосий мавзуи оиладир, - деб ёзади Фитрат, «Оила эр, хотин ва фарзандлардан иборат.

Бошқача қилиб айтганда, оила бир шахс бошчилигида бир уйда яшовчилардир». Асарда муаллиф меҳнатга тарбиялаш ва билим олиш тарбияси болаларни бахтга эришишига албатта ёрдам беришини таъкидлайди. «Хотинларимиз ва қизларимиз- миллат оналари, улар илм ва тарбия олишлари зарур, ахлоқ билимларини камолга етказишлари зарур. Акс ҳолда аёлларимиз эркаклардан кўрқоқроқ, заифроқ ва ғайратсизроқ бўлганларидан болаларимиз ҳам уларга ўхшаб кетади», деб таъкидлайди.[Фитрат 1998: 8]

Таниқли мутафаккир Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўзининг илмий фалсафий қарашларида хотин-қизлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. У ўзининг машҳур “Минерология” асарида оила бўсағасидаги қизларга ота-оналар ўғитларини келтириб, оиладаги тинчлик, тотувлик, оиланинг фаровонлиги кўпроқ аёлларга боғлиқ эканлигини таъкидлаб, «Эй қизим! Сен ўз уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга бормоқдасан. Сен у ерда ер каби камтар бўлсанг, турмуш ўртоғинг осмон каби олижаноб бўлади, осмон шифобахш ёмғири билан ерни кўкартиргани каби у ҳам ўз меҳру-шафқати билан сени хушнуд этади», деб маслаҳатлар беради. Беруний ўз қарашларида оила

барқарорлиги бевосита ақлли, фаросатли аёллар кўлида эканлигига алоҳида урғу беради.

Шундай қилиб, оила ва никоҳ муаммолари қадимий шарқ фалсафаси тараққиётида мазкур муаммоларни эволюциясини давр эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўрганиш ва таҳлил қилиш жамият тараққиётининг янги стратегиясини ишлаб чиқиш ва замонавий жамиятда оила ва никоҳ моҳиятини янада кенгроқ ва теран англаш имконини беради.

Айниқса, ҳозирги замон глобаллашув шароитида оила ва никоҳ муаммоларини ўрганиш, хусусан, ёшларда қадриятларимиз мазмун моҳиятини тушунтириш ва ахлоқий ғояларни шакллантиришда катта аҳамиятга молик бўлиб, ушбу йўналишда тадқиқ олиб бораётган олимлар, файласуфлар, социологлар, иқтисодчилар, диншунослар ва бошқаларнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES):

1. Авесто: Яшт китоби /М.Исҳоқов таржимаси.-Т.,2001.-Б.4.
2. Равшан Икрамов, Норкул Бекмирзаев «Авесто» да қонун ва инсон ҳуқуқлари талқини // Academic research in educational sciences. 2021. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/avesto-da-onun-va-inson-hu-u-lari-tal-ini>.
3. Акрамова Ф ва б. Оила энциклопедияси «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2019.
4. Ислам в странах Ближнего и Среднего Востока. - М., 1982. – с. 42.
5. Жабборов С. Мусулмон ҳуқуқи ва одат нормалари. Т.: 2001.- 16 б.
6. Ўразалиева Г. гендер ва аёллар ҳуқуқий маданияти. Монография, 2010.- 144 б.
7. Ибн Сино «Тадбири манзил» («Воспитание и обучение детей в школе»). Собр. соч. т. 8. — Ташкент 1986
8. Фитрат А. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари.-Т: Маънавият, 1998.- Б.98.